

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УТАЕВ ЛАТИФЖОН ХОЛМАМАТОВИЧ

ҚИСИЛГАН ЧУРРАЛАРНИ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШДА
ГЕРНИОАЛЛОПЛАСТИКАНИНГ ТАКТИК ВА ТЕХНИК
ЖИҲАТЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарканд-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Утаев Латифжон Холмаматович

Қисилган чурраларни жарроҳлик даволашда герниоаллопластиканинг тактик
ва техник жиҳатларини мақбуллаштириш 3

Утаев Латифжон Холмаматович

Оптимизация тактико-технических аспектов герниоаллопластики в
хирургическом лечении ущемленных грыж..... 27

Utaev Latifjon Kholmamatovich

Optimization of tactical and technical aspects of hernioalloplasty in surgical
treatment of strangulated hernias..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of pulished works..... 57

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УТАЕВ ЛАТИФЖОН ХОЛМАМАТОВИЧ

ҚИСИЛГАН ЧУРРАЛАРНИ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШДА
ГЕРНИОАЛЛОПЛАСТИКАНИНГ ТАКТИК ВА ТЕХНИК
ЖИҲАТЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарканд-2025

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/Tib4992 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.sammu.uz) ва «Ziynet» (www.ziynet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Дусияров Мухаммад Мукумбаевич тиббиёт фанлари номзоди (PhD), доцент
Расмий оппонентлар:	Эшонходжаев Отабек Джураевич тиббиёт фанлари доктори, профессор. Шоназаров Искандар Шоназарович тиббиёт фанлари доктори, доцент.
Етакчи ташкилот:	В.И.Разумовский номидаги Саратов давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2025 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz)

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Н. Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шмырина
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Б. Курбаниязов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қорин чуррасини даволаш муаммоси бугунги кунда ҳал этилмасдан қолмоқда, бу муаммо кўшимча ўрганиш ва малакали ёрдам кўрсатиш стандартларини ишлаб чиқишни талаб қилади. «...Қориннинг ташқи чурралари аҳолининг 7 %ида учрайди, кекса ва қари ёшдаги кишиларда эса бу кўрсаткич 15-17 %гача етади...»¹. Бундан ташқари, беморларнинг ёши ошган сари чурранинг қисилиши ва асоратлар ривожланиши хавфи ҳам ортиб боради. «...Чурраларни бартараф этиш бўйича оператив аралашувлар барча жарроҳлик амалиётларининг тахминан 10 фоизини ташкил этади...»². Чурра касаллиги нафақат ўлим ҳолатлари, балки беморнинг ногиронлиги билан боғлиқ катта меҳнат йўқотишларига ҳам олиб келади. Герниопластиканинг кўплаб таклиф этилган усулларига қарамасдан, қорин ташқи чурраларини даволаш натижалари на беморларни, на жарроҳларни қониқтирмоқда.

Чурра хирургиясидаги алоҳида муаммо уларнинг қисилишидир. Турли жойлардаги қисилган чурраларни бартараф этишда шошилишч хирургияда, одатда, чурра нуқсонларини маҳаллий тўқималар билан бартараф этишнинг энг оддий тортувчи усуллари қўлланилади. Бироқ, бундай жарроҳлик амалиётларининг натижалари доимо ҳам ижобий бўлавермайди, айниқса оғир ҳамроҳ касалликлари бор беморларда. Шу билан бирга, чурраларни режали оператив даволашда тўрсимон эксплантатлардан фойдаланиб тортилмайдиган оператив даволаш усуллари муваффақият билан қўлланилади, уларнинг шошилишч хирургияда қўлланиши ҳозиргача мунозарали бўлиб қолмоқда. Юқорида баён этилганлар ҳамда тиббиёт технологияларининг замонавий тараққиётини инобатга олган ҳолда, қорин олд деворининг қисилган чурралари бўйича шошилишч жарроҳлик аралашувларида тўрсимон эксплантатлар ёрдамида аллопластика усуллари қўллаш имкониятларини ўрганиш ниҳоятда долзарб масалага айланмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган жарроҳлик ёрдами сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»³. каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари

¹European Hernia Society. European Hernia Society guidelines on the closure of abdominal wall incisions // F.E. Muysoms [et al.] // Hernia. - 2015. - №19(1). - P. 1-24.

²Global guidelines for the prevention of surgical site infection, 2nd ed. - World Health Organization. - 2018. - 184p.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавжуд адабиётларда чов, киндик чурралари ва ОКВЧда қорин девори пластикасига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар, операцияни бажариш усули ва техникаси, у ёки бу синтетик материални қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги батафсил ўрганилган. Кўпчилик ҳолларда беморларни режали жарроҳлик йўли билан даволашнинг нафақат яқин, балки узоқ муддатли ижобий натижалари ҳам аниқланган. Бироқ, шошилинич жарроҳликда таранглашмаган герниопластикани қўллаш масаласи долзарблигича қолмоқда. Даволашнинг қониқарсиз натижаларининг асосий сабаблари пластика усулини нотўғри танлаш, қорин девори тўқималарининг сезиларли даражада таранглашуви, қорин бўшлиғи ҳажмининг камайиши ва операция қилинган беморларнинг 0,8-12 фоизида абдоминал компартмент синдромининг ривожланиши ҳисобланади (Bauer K.H. et al., 2019).

Шошилинич жарроҳликнинг кўп тадқиқотлар ва нашрлар бағишланган бўлимларидан бири қорин олд девори қисилган чурраларини оператив даволаш муаммосидир (Каримов Ш.И. ва бошқ., 2019).

Чурра қисилиши - энг кўп учрайдиган ва хавfli асорат бўлиб, у чурра ҳалтаси бўйнидаги таркибнинг тўсатдан сиқилиши ҳамда қисилган аъзо ва тўқималарда ишемик ўзгаришлар ривожланиши билан боғлиқ. Қисилган чурра "чурра ташувчилар"нинг 10-17 фоизида касаллик кечишини оғирлаштиради ва қорин бўшлиғи аъзоларининг ўткир хирургик касалликлари таркибида ўткир аппендицитдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, ушбу ҳолатларда ўлим кўрсаткичи ўткир аппендицитга нисбатан 15-16 баробар юқори (Тешаев О.Р. ва бошқ., 2023).

Ҳозирга қадар асорати бўлган қисилган чурралари бор беморларни операциядан олдинги, операция пайтидаги ва операциядан кейинги даврларда олиб бориш тактикасининг ўзига хос хусусиятлари; асоратланган қисилган чурранинг ўлчамига, локализациясига қараб пластика усулини танлаш; қорин олд девори тўқималарининг анатомик танқислиги шароитида катта ва гигант ўлчамдаги қисилган операциядан кейинги вентрал чурраларда герниопластика, қорин олд девори ўтказувчанлиги ва қорин бўшлиғида компартмент-синдром ривожланишининг олдини олиш масалалари етарли даражада ёритилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети наъмунавий дастурнинг «Шикастланишлар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш бўйича замонавий технологияларни яратиш ва жорий этиш» (Давлат рўйхати №012400287) бўйича режалаштирилган тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорин олд деворининг қисилган чурралари бўлган беморларни таранглашмаган герниоаллопластика ва локал периоператив озонотерапия усуллари қўллаш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қисилган чурраларда тўрсимон эксплант билан қорин олд девори пластикасини бажариш имкониятини асослаш;

герниопластиканинг таранглашган ва таранглашмаган усуллари бажаришга қараб қорин бўшлиғи босими ва қорин бўшлиғи ҳолатини УТТ мониторинги кўрсаткичлари бўйича операциядан кейинги даврнинг кечишини қиёсий таҳлил қилиш;

тўрсимон эксплантатдан фойдаланган ҳолда операция қилинган қисилган чурралари бўлган беморларда инфекцион асоратларнинг периоператив профилактикасида маҳаллий озонотерапиянинг ролини аниқлаш;

периоператив озонотерапия билан қисилган вентрал чурраларда таранглашмаган герниоаллопластика усуллари клиник самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-йилдан 2024-йилгача РШТЁИМ Навоий филиали жарроҳлик бўлимида қисилган вентрал чурра билан стационар даволанган 127 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қисилган вентрал чурралари бўлган беморларни комплекс текшириш ва жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат бўлиб, унда периоперацион озонотерапия ҳамда таранглашмаган герниоаллопластика усулларида фойдаланилган ҳолда қисилган вентрал чурраларни даволаш ўрганилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорин олд деворининг қисилган чурраларида компартмент синдроми, энтерал ва полиорган етишмовчилиги ривожланишини олдини олиш орқали таранглашмаган протез пластикасининг афзалликлари асосланган;

қорин бўшлиғининг ултратовуш текшируви ва қорин ички босими кўрсаткичлари динамикаси асосида қисилган чуррали беморларни назоэнтерал интубация ёрдамида даволашда операциядан кейинги ичак парезининг бартараф этилишини кузатиб бориш имконини берган;

илк бор периоперацион озонотерапия билан тўрсимон протезлар қўлланган операцияларда инфекцияланган тўқималарда ёт жисмлар бўлиши билан боғлиқ специфик асоратлар кузатилмаслиги исботланган;

кайталанишнинг кам фоизи ва специфик асоратлар йўқлиги, қисилган чурраларда таранглашмаган аллопластиканинг профилактик усул сифатида афзаллиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

таклиф этилган алгоритм ичак тутилиши билан асоратланган қисилган чурралари бўлган ва устувор тарзда таранглашмаган пластика бажарилган беморларни даволашнинг барча босқичларида даволаш натижаларини яхшилашга, асоратлар сонини ва операциядан кейинги ўлимни камайтиришга имкон берди;

ичакнинг энтерал интубацияси ва декомпрессияси ичак етишмовчилиги синдромининг профилактикаси эканлиги исботланган;

операциядан кейинги даврда қорин бўшлиғидаги босим даражаси ва қорин бўшлиғи ҳолатини ултратовуш текшируви маълумотлари асосида мунтазам кузатиб бориш ичак тутилиши динамикасини ўз вақтида тузатиш имконини беради;

операциядан кейинги даврнинг кечиши таҳлили асосида, қисилган чурраларда маҳаллий озонотерапия қўлланилган ҳолда таранглашмаган пластика усуллариининг самарадорлиги исботланган. Бунда имплантнинг кўчиб тушиши ёки серома кўпайиши кузатилмаган, бу эса ушбу усулни жарроҳлик даволаш усули сифатида танлаш мумкинлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар ўзининг назарий аҳамиятига эга бўлиб, ичак тутилиши билан асоратланган қисилган вентрал чурраси бўлган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшади. Герниоаллопластика усуллариини бажаришнинг техник ва тактик жиҳатлари такомиллаштирилди. Маҳаллий озонотерапияни қўллаш орқали йирингли-септик асоратларни даволаш ва олдини олиш усули такомиллаштирилган. Энтерал етишмовчилик даражаси, ҚИБ даражаси, чурра тури ва ўлчамига қараб герниоаллопластикани танлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Операциядан кейинги яқин ва узоқ даврларда даволаш натижаларига кўра қисилган чурралари бўлган беморларда герниоаллопластика зарурати клиник жиҳатдан асосланган. Герниопластикани "таранглашган" ва "таранглашмаган" усуллар ёрдамида бажариш натижалари ўрганилди, жарроҳлик аралашувларининг клиник самарадорлиги аниқланди.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижаларига кўра, қониқарсиз натижаларнинг асосий сабаби таранглашган герниопластикада эканлиги аниқланган. Маҳаллий периоператив озонотерапия билан "таранглашмаган" герниоаллопластика усулини бажаришнинг техник жиҳатлари такомиллаштирилган, бу операциядан кейинги эрта даврда асоратларни бартараф этиш имконини беради. Операциянинг такомиллаштирилган техник жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, қисилган чуррали беморларни даволаш тактикаси алгоритми ишлаб чиқилди. Қисилган вентрал чурраси бўлган беморларда герниоаллопластиканинг клиник самарадорлиги яра асоратлари сонини камайтириш ва операциядан кейинги узоқ муддатли даврда ҳаёт сифатини яхшилаш орқали асосланди.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Қисилган чурраларни жарроҳлик даволашда герниоаллопластиканинг тактик ва техник жиҳатларини мақбуллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 15.02.2025 й. 12/13-сон хулосаси):

биринчи илмий янгилик: қорин олд деворининг қисилган чурраларида компартмент синдроми, энтерал ва полиорган етишмовчилиги ривожланишини олдини олиш орқали таранглашмаган протез пластикасининг афзалликлари асосланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 29.11.2024 й. 4468-7-107-ТВ/2024-сон буйруғи ва Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали 23.11.2024 й. 109-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган алгоритм ичак тутилиши билан асоратланган қисилган чурралари бўлган ва устувор тарзда таранглашмаган пластика бажарилган беморларни даволашнинг барча босқичларида даволаш натижаларини яхшилашга, асоратлар сонини ва операциядан кейинги ўлимни камайитиришга имкон берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қорин олд деворининг қисилган чурраларида компартмент синдромини олдини олишда беморларда бир вақтдаги жарроҳлик аралашуви доирасида беморларнинг стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 8-10 кун учун 3241320 сўм. Беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишларига жами 855200 сўм сарфланади. миниинвазив ёндошувлар ёрдамида операция қилинганда стационар даволаниш 2 кунга қисқариб, иқтисодий кўрсаткич 1 123700 сўмни ташкил этади (бир нафар бемор учун). Хулоса: Қисилган чурралари бўлган беморларда аллотрансплантатдан фойдаланган ҳолда қорин олд деворининг таранглашмаган пластикасини бажариш мақсадга мувофиқдир, чунки бу усул 95,8% ҳолларда компартмент синдроми, энтерал ва полиорган етишмовчилиги ривожланишининг олдини олиб, бевосита ижобий натижаларга олиб келади.

иккинчи илмий янгилик: қорин бўшлиғининг ултратовуш текшируви ва қорин ички босими кўрсаткичлари динамикаси асосида қисилган чуррали

беморларни назоэнтерал интубация ёрдамида операциядан кейинги даволаш усули таклиф этилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 29.11.2024 й. 4468-7-107-ТВ/2024-сон буйруғи ва Ресбуплика шошилиш тез тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали 23.11.2024 й. 109-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ичакнинг энтерал интубацияси ва декомпрессияси ичак етишмовчилиги синдромининг профилактикаси эканлиги исботланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қорин бўшлиғининг ултратовуш текшируви ва қорин ички босими кўрсаткичлари динамикаси асосида қисилган чуррала беморларни назоэнтерал интубация ёрдамида ижобий натижалар 2 баробар кўп ҳолатда кузатилганлигини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 4355400 сўмни ташкил этади. Хулоса: НЭИ ва таранглашмаган пластика натижасида асосий тадқиқот гуруҳида ҚБИБнинг ишончли пасайиш тенденцияси ($p < 0,05$) кузатилди (таққослаш гуруҳида дастлаб $19,3 \pm 1,6$ мм сим. уст.га тенг бўлган босим жарроҳлик амалиёти якунида $17,1 \pm 1,3$ мм сим. уст.гача, асосий гуруҳда $18,8 \pm 1,8$ дан $14,5 \pm 1,3$ мм сим. уст. гача камайди) ва кейинги 3 кун давомида мос равишда давом этди. Қорин бўшлиғининг УТТси ичак тутилиши ва парезнинг бартараф этилишини кузатиб бориш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: илк бор периоперацион озонотерапия билан тўрсимон протезлар қўлланган операцияларда инфекцияланган тўқималарда ёт жисмлар бўлиши билан боғлиқ специфик асоратлар кузатилмаслиги исботланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 29.11.2024 й. 4468-7-107-ТВ/2024-сон буйруғи ва Ресбуплика шошилиш тез тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали 23.11.2024 й. 109-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: операциядан кейинги даврда қорин бўшлиғидаги босим даражаси ва қорин бўшлиғи ҳолатини ултратовуш текшируви маълумотлари асосида мунтазам кузатиб бориш ичак тутилиши динамикасини ўз вақтида тузатиш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: периоперацион озонотерапия билан тўрсимон протезлар қўлланган операциясидан кейинги даврда асоратлар тубдан қисқаришини инобатга олсак, асосий гуруҳдаги беморларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар 35% қисқартиришликка эришилди. Хулоса: Қисилган чурралари бўлган беморларни операциядан кейинги даволашда маҳаллий гидропрессив озон терапиясини қўллаш яллиғланиш асоратларини 28,5% дан 7,1% гача, стационар даволаниш муддатларини $10,8 \pm 2,8$ дан $8,8 \pm 6,5$ кунгача қисқартиришга ёрдам берди.

тўртинчи илмий янгилик: қайталанишнинг кам фоизи ва специфик асоратлар йўқлиги, қисилган чурраларда таранглашмаган аллопластиканинг профилактик усул сифатида афзаллиги исботланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси

29.11.2024 й. 4468-7-107-ТВ/2024-сон буйруғи ва Республика шифохона тез тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали 23.11.2024 й. 109-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: операциядан кейинги даврнинг кечиши таҳлили асосида, қисилган чурраларда маҳаллий озонотерапия қўлланилган ҳолда таранглашмаган пластика усуллари билан самарадорлиги исботланган. Бунда имплантнинг кўчиб тушиши ёки серома қўпайиши кузатилмаган, бу эса ушбу усулни жарроҳлик даволаш усули сифатида танлаш мумкинлигини тасдиқлайди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: реабилитация муддатларининг қисқариши туфайли беморларни стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 3558400 сўм сарфланади. Йиллик иқтисодий кўрсаткич эса ўз навбатида 20% гача бюджет маблағларини тежашга олиб келади. Хулоса: Ичак тутилиши билан асоратланган қисилган чурра билан оғриган беморларни даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини оптималлаштиришда тўрсимон эксплантлардан фойдаланиб “таранглашмаган” герниопластика бажариш ва маҳаллий периоператив озонотерапияни қўллаш натижасида қорин бўшлиғи асоратлари частотаси 21,4% дан 5,6% гача, операциядан кейинги умумий асоратлар 26,8% дан 11,2% гача, ўлим кўрсаткичи эса 5,3% дан 1,4% гача камайтирилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 3 таси маҳаллий ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, амалий тавсиялардан ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 111 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Қисилган вентрал чурраларни хирургик даволашнинг замонавий муаммолари"** деб номланган **биринчи бобида** адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда шошилишч хирургияда таранглашмаган герниопластикани қўллаш масаласи долзарблигича қолмоқда. Даволашнинг қониқарсиз натижаларининг асосий сабаблари - бу пластика усулини ноадекват танлаш, қорин девори тўқималарининг сезиларли даражада тортилиши, қорин бўшлиғи ҳажмининг камайиши ва операция қилинган беморларда абдоминал компартмент синдромининг ривожланиши. Асоратланган қисилган чурралари бор беморларни операциядан олдинги, операция вақтидаги ва операциядан кейинги олиб бориш тактикасининг хусусиятлари; асоратланган қисилган чурранинг ўлчами ва жойлашувига қараб пластика усулини танлаш; қорин олд девори тўқималарининг анатомик етишмовчилиги ва ичак тутилиши шароитида катта ва жуда катта ўлчамдаги қисилган операциядан кейинги вентрал чурраларда герниопластика, қорин компартмент синдроми ривожланишининг олдини олиш масалалари етарлича ёритилмаган.

Диссертациянинг **иккинчи боби "Тадқиқот материаллари ва усуллари"** деб номланади. Ушбу ишнинг асосини 2019-2024-йилларда РШТЁИМ Навоий филиалида стационар даволанишда бўлган 127 нафар беморнинг ретроспектив ва проспектив тадқиқот натижалари ташкил этади. Мазкур беморлар қорин олд деворининг турли соҳалардаги қисилган чурралари бўйича дастлабки саралашсиз операция қилинган.

Клиник кузатувга олинган беморлар жарроҳлик аралашувининг характери ва ҳажмига қараб икки гуруҳга бўлинган.

Асосий гуруҳ қорин олд деворининг қисилган чурралари бўлган 71 нафар бемордан иборат бўлиб, уларга синтетик имплантатлар ("таранглашмаган" герниопластика) ёрдамида жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Ушбу гуруҳга чурра жойлашуви турлича бўлган беморлар киритилган:

1. Қисилган чов чурраси билан - 24 (33,8%)
2. Қисилган киндик чурраси билан - 20 (28,1%)
3. Операциядан кейинги қисилган вентрал чурра билан - 27 (38,1%)

Назорат гуруҳини қорин олд деворининг қисилган чурралари бўлган, анъанавий аутопластика усуллари ("таранглашган" герниопластика) билан

операция қилинган 56 нафар бемор ташкил этди. Ушбу гуруҳни чурра жойлашуви турлича бўлган беморлар ташкил этди:

1. Қисилган чов чурраси билан - 16 (28,6%)
2. Қисилган киндик чурраси билан - 18 (32,1%)
3. Операциядан кейинги қисилган вентрал чурра билан – 22 (39,3%)

Иккала гуруҳдаги сон чурраси ва чурра халтаси флегмонаси бўлган беморлар тадқиқотга киритилмади.

Асосий гуруҳда беморларнинг ўртача ёши $55,4 \pm 4$ ёш бўлиб, 28 ёшдан 81 ёшгача оралиғида эди. Эркаклар сони 34 нафар (47,9%), аёллар сони эса 37 нафар (52,1%) ни ташкил этди.

Назорат гуруҳидаги беморларнинг ўртача ёши $56,6 \pm 3,1$ ёшни ташкил этди ва 27 ёшдан 78 ёшгача ўзгариб турди. Эркаклар сони 28 нафар (50,0%), аёллар ҳам 28 нафар (50,0%) эди.

Катта ёшли операция қилинган беморларнинг кўпчилиги оғир ёндош касалликларга чалинган бўлиб, бу касалликнинг кечиши ва оқибатига таъсир кўрсатган. Бунда, ушбу ёш гуруҳидаги беморларнинг 82 % да 2-3 та ёндош касаллик мавжудлиги аниқланган.

Иккала гуруҳда ҳам юрак-қон томир ва нафас олиш тизими касалликлари устунлик қилди. Беморларнинг сезиларли қисмида урологик патология ва ошқозон-ичак йўли касалликлари мавжуд эди. Тана вазни индекси 30 кг/м^2 дан юқори бўлган алиментар семизлик кўринишидаги моддалар алмашинувининг бузилиши 32 нафар беморда қайд этилди.


Чурралар билан касалланишнинг ўртача давомийлиги $9,5 \pm 1,7$ йилни ташкил этди.

РШТЁИМ Навоий филиалининг қабул бўлимига шошилиш тарзда келтирилган беморларнинг қисилиш бошланганидан кейинги вақт оралиғи турлича эди. Асосий гуруҳда (1-расм) касалхонага ётқизиш вақти қисилиш бошланганидан 4 соатдан 120 соатгача бўлган. Ўртача вақт $17,1 \pm 8,4$ соатни ташкил этди. Дастлабки 6 соат ичида 7 нафар (9,9%) бемор, 6 соатдан 12 соатгача 24 нафар (33,8%) бемор, 12 соатдан 24 соатгача 20 нафар (28,1%) бемор, қисилиш бошланганидан 24 соатдан кейин эса 20 нафар (28,2%) бемор касалхонага ётқизилган.

Назорат гуруҳида шифохонага ётқизиш вақти қисилиш пайтидан бошлаб 3 соатдан 144 соатгача бўлган. Ўртача вақт $20,6 \pm 6,8$ соат. Дастлабки 6 соат ичида 7 нафар (12,5%) бемор, 6 соатдан 12 соатгача 22 нафар (39,3%) бемор, 12 соатдан 24 соатгача 16 нафар (28,8%) бемор, қисилган вақтдан 24 соат ўтгач 11 нафар (19,6%) бемор касалхонага ётқизилган.

Қабул бўлимида беморларни текшириш чоғида, қисилган чурра ташхиси қуйидаги клиник маълумотларга асосланган: аввал тузатилган чурра соҳасида тўсатдан пайдо бўлган оғриқларнинг хусусияти, уларнинг кучи, ҳамда оғриқнинг қисилиш тури ва шикастланган аъзога боғлиқлиги. Бу омиллар биргаликда баҳоланиб, ташхис қўйишга асос бўлган. Шундай қилиб, 122 нафар (96,1%) бемор илгари эркин киритилган чуррани энди тўғрилаш имконсизлигини, оғриқ пайдо бўлганини ва чурра бўртмаси ҳажми катталашганини таъкидлади (1,2-расмлар). Пайпаслаб қўрилганда 118 нафар

(92,9%) беморда "йўтал турткиси" аниқланмаган. Ичак тутилиши белгилари куйидагича намоён бўлди: 68 нафар (53,5%) беморда кўнгил айланиши, 45 нафар (35,4%) беморда касалхонагача бўлган даврда ва вақти-вақти билан қушиш, 33 нафар (25,9%) беморда нажас ва газлар чиқишининг тўхташи, 19 та (14,9%) ҳолатда перисталтиканинг кучайиши кузатилди. 15 та (11,8%) ҳолатда қорин парда яллиғланиши белгилари пайдо бўлганлиги қайд этилди. Чурра бўртиб чиққан жой устидаги тери рангининг ўзгариши фақат 3 нафар (2,3%) беморда кузатилди.



1-расм. Бемор Д., 73 ёш. Чап томонлама қисилган чов чурраси. Ўткир ичак тутилиши



2-расм. Бемор Э., 82 ёшда. Операциядан кейинги қисилган вентрал чурра. Ўткир ичак тутилиши

Юқори ингичка ичак тутилишининг рентгенологик белгилари 26 нафар (20,5%) беморда аниқланди (3-расм). Йўғон ичакнинг қисилиши камроқ ҳолларда кузатилди ва у 10 (7,8%) беморда йўғон ичак тутилишининг рентгенологик белгилари ривожланиши билан бирга келди. Чов чурраси бўлган 1 (0,8%) беморда ва киндик чурраси бўлган 2 (1,6%) беморда қорин бўшлиғида эркин газ борлиги аниқланди.


Чурра бўртиб чиққан жойда ингичка ичакнинг кенгайган қовузлоқлари операциядан кейинги вентрал чурраси бўлган 20 та (15,7%) беморда (3-расм) ва киндик чурраси бўлган 21 та (17,3%) беморда аниқланди. Йўғон ичак тутилиши белгилари мавжуд 2 та (1,6%) беморда эса, чурра бўртиб чиққан жойда кўндаланг-чамбар ичакнинг диаметри кенгайиб, унда суюқлик сатҳи горизонтал жойлашганлиги аниқланди.

Қабул пайтида ултратовуш текшируви қисилган чурралар билан асоратланган 89 (70,1%) беморда ўтказилди (4-расм).

Асосий гуруҳнинг 49 (69,1%) ва назорат гуруҳининг 37 (66,1%) беморида ичакнинг олиб келувчи қисми диаметрининг катталаниши, деворларининг қалинлашиши, ичак ичидаги суюқликнинг “маятниксимон” ҳаракатлари ва олиб кетувчи сегментнинг тинч қолган ичак қовузлоқлари

аниқланди. Қовузлоқлараро бўшлиқлар ва ён каналларда эркин суюқлик белгиларининг аниқланиши турли асоратлар билан боғлиқ бўлиб, қисилган чурраларда, айниқса ичак асоратлари (перитонит ва ичак некрози) кузатишган ҳолларда, ультратовуш текшируви белгилари билан бирга намоён бўлди. Бу ҳолат асосий гуруҳнинг 26 (52%) беморида ва назорат гуруҳининг 24 (58%) беморида кузатилди.

Чурра бўртиб чиққан қисмига сенсор ўрнатилганда ва чурра таркиби баҳоланганда, асосий гуруҳнинг 27 (40,1%) ҳолатида ва назорат гуруҳининг 24 (42,8%) ҳолатида қисилган ичак қовузлоғи аниқланди. 21 (29,6%) ва 18 (32,1%) ҳолатда эса мос равишда ингичка ичак қовузлоғи ва чарви мавжуд эди. Асосий гуруҳдаги 20 нафар (15,7%) беморда ва назорат гуруҳидаги 19 нафар (33,9%) беморда чурра суюқлиги топилди.



3-рasm. Ичак тутилиши аломатлари мавжуд бўлган операциядан кейинги вентрал чурра (тўғри ва ён проекциялар).



4-рasm. Қисилган вентрал чурра: чурра дарвозасида перисталтикасиз, суюқлик таркибли ингичка ичак қисми чиқиб турган ҳолат кузатилади. Ичак деворида қон айланиши аниқланмайди. Чурра ҳалтасида суюқлик борлиги ҳам аниқланади.

Диссертациянинг учинчи боби **"Ичак тутилиши билан асоратланган қисилган чурраларни жарроҳлик йўли билан даволаш"** деб номланган.

Ичак тутилиши билан асоратланган қисилган чурра ҳолатида жарроҳлик тактикаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олган. - чурра жойлашувига мувофиқ равишда кириш амалга оширилди; - чурра қопи очилиб, чурра суюқлиги олиб ташланди ва қисилган аъзо фиксация қилинди; - қисилган ҳалқани кесиш жараёнида қисилган аъзонинг ҳолати кўздан кечирилди ва у ҳаётий бўлса, қорин бўшлиғига қайтарилди. Ичакни қорин бўшлиғига қайтаришдан олдин унинг тутқичига 0,25% ли новокаин эритмасидан 80-100 мл юборилди; - ичак резекциясига кўрсатмаларни аниқлашда визуал белгилар (ранг, девор шиши, субсероз қон қуйилишлар, перисталтика, девор атрофи қон томирларининг пульсацияси ва қон билан тўлиши) ҳамда ичак тутқичига маҳаллий анестетик илиқ эритмаси юборилгандан сўнг ушбу белгиларнинг ўзгариш динамикасидан фойдаланилди.; - назоэнтерал интубация, ичак декомпрессияси ва ювиш бажарилди; - Ичак ҳаётийлик қобилятини йўқотганда (ичакнинг тўқ рангга кириши; сероз парданинг хиралашиши; ичак деворининг бўшашиши; ичак перисталтикасининг

йўқлиги; ичак тутқичи томирларида пулсациянинг йўқлиги) унинг резекцияси амалга оширилди (5,6-расмлар).

- қисилган чов чуррасида, ичак ҳаётчанлиги шубҳали бўлган ҳолатларда, перитонит ва ичак девори тешилиши белгилари бўлмаганда, резекция герниотомик кириш орқали амалга оширилди. Ичак некрози, перитонит ва ичак девори тешилиши лапаротомия ўтказиш учун мутлақ кўрсатма ҳисобланади; - қорин бўшлиғини озонланган изотоник натрий хлорид эритмаси (NaCl 0,9%) билан санация қилиш ва қорин бўшлиғини дренажлаш амалга оширилди; - чурра локализациясига қараб чурра дарвозаси пластика қилинди.



**5-расм. Интраоперацион фото.
Қисилган киндик чурраси.
Странгуляцион ичак тутилиши.
Ингичка ичак некрози**



**6-расм. Интраоперацион фото.
Қисилган киндик чурраси.
Странгуляцион ичак тутилиши.
Ингичка ичак некрози. Олиб
ташланган макропрепарат -
ингичка ичакнинг некрозга
учраган қовузлоқлари**

Асосий гуруҳда ингичка ичакнинг изоляцияланган сиқилиши 30 (42,2%) нафар беморда, ингичка ичакнинг чарви билан бирга сиқилиши 22 (30,9%) нафар беморда, ингичка ичакнинг чамбар ичак билан бирга сиқилиши 8 (11,3%) нафар беморда, чамбар ичакнинг сиқилиши 4 (5,6%) нафар беморда кузатилди.

Назорат гуруҳида ҳам аксарият ҳолларда ингичка ичак қисилиши - 20 нафар (35,7%) беморда, ингичка ичак ва чарви қисилиши 17 нафар (30,3%) беморда, ингичка ва йўғон ичак қисилиши 8 нафар (14,3%) беморда, йўғон ичак қисилиши эса 4 нафар (7,1%) беморда кузатилди.


Асосий гуруҳда 8 та ҳолатда ҳаётга яроқсиз чарви ва ингичка ичак резекцияси, 13 та ҳолатда ингичка ичакнинг некрозга учраган қисми резекцияси, шунингдек 1 та беморда йўғон ичак резекцияси ўтказилди. Назорат гуруҳида 4 нафар беморда некрозга учраган чарви ва ингичка ичак резекцияси, 12 нафар беморда ингичка ичак резекцияси, 1 нафар беморда

йўғон ичак резекцияси амалга оширилди. Умумий ҳисобда, ичак некрози туфайли 39 (30,7%) нафар беморда ичак резекцияси ўтказилди, шундан 37 тасида ингичка ичак резекцияси, 2 тасида эса йўғон ичак резекцияси бажарилди.


Қисилган чурраларини синтетик имплантатсиз жарроҳлик йўли билан даволашда - "таранглашган" герниопластика (назорат гуруҳи) анъанавий пластика усуллари қўлланилган. Қисилган чов чурраларини даволашда Бассини (n=6) ва Постемски (n=10) усуллари, қисилган киндик чурралари ва ОКВЧда эса Маё (n=17) ва Сапежко (n=20) усуллари ишлатилди. 3 та ҳолатда катта ҳажмдаги қорин чурраларида жароҳат декомпрессив тарзда тикиб қўйилди. Операциядан кейинги жароҳат дренажланмади.

Беморларнинг асосий гуруҳида қисилган чурраларни жарроҳлик йўли билан даволашда қорин олд деворини пластика қилишнинг турли "таранглашмаган" усуллари қўлланилган. Қисилган чов чурраларини даволашда 24 беморда чов каналининг орқа деворига синтетик имплантат ўрнатиш билан Лихтенштейн усули қўлланилди. Қисилган киндик ва операциядан кейинги вентрал чурра бўйича 47 нафар беморда қуйидаги операциялар амалга оширилди: 38 та беморда onlay герниоаллопластика, 4 та беморда Sublay герниоаллопластика ва 5 та беморда inlay герниоаллопластика бажарилди.

Қисилган чов чурраларини жарроҳлик йўли билан даволашда 24 беморда И. Лихтенштейн усули қўлланилиб, чов каналининг орқа деворига тўрсимон протез ўрнатилди (7 ва 8-расмлар).




7-расм. Лихтенштейн усули бўйича операция схемаси: 1 - тўрсимон эксплантат, 2 - уруғ тизимчаси, 3 - маҳкамловчи чоклар қатори.




8-расм. Лихтенштейн усули бўйича операция: 1 - тўрсимон имплант, 2 - уруғ тизимчаси, 3 - маҳкамловчи чоклар қатори.

Қисилган киндик чурраларини жарроҳлик йўли билан даволашда комбинацияланган "onlay" усули (тўрни апоневроз устига жойлаштириш) қўлланилди. Қисилиш бартараф этилгандан сўнг, кенг қорин мушаклари апоневрозларини бўйлама йўналишда "чет-четига" тикиб, уларнинг устига тўрсимон эксплантни жойлаштириш орқали киндик ҳалқаси пластикаси амалга оширилди, бу 9 ва 10-расмларда кўрсатилган.




9-расм. Чурраларни "onlay" усулида бартараф этиш схемаси: 1 - тўрсимон эксплантат, 2 - фиксацияловчи чокларнинг иккинчи қатори, 3 - қорин тўғри мушаклари, 4 - қорин пардаси, 5 - қорин олд девори апоневрози.




10-расм. Чурраларни "onlay" усулида бартараф этиш: 1 - тўрсимон эксплант, 2 - фиксацияловчи чокларнинг иккинчи қатори.

Асосий гуруҳдаги операциядан кейинги қисилган вентрал чурраси бўлган барча беморларда қуйидаги вариантлардан бири бўйича комбинацияланган пластика амалга оширилди: "onlay" (апоневроз устида), "inlay" (апоневроз қисми ўрнига, апоневроз тикилмасдан) ёки "Sublay" (апоневроз остида). 18 ҳолатда протезни апоневроз устига жойлаштириш орқали комбинацияланган пластика ("onlay") бажарилди. Кенг қамровли операциядан кейинги қисилган вентрал чурраси бўлган 5 нафар беморга "inlay" усулида пластика ўтказилди (11-12 расмлар). Кичик гипогастрал қисилган чурраси бўлган 4 нафар беморга эса "Sublay" усулида комбинацияланган пластика амалга оширилди (13-14 расмлар).




11-расм. Чурраларни "inlay" усули билан бартараф этиш: 1 - тўрсимон эксплантат, 2 - иккинчи қатор чоклар, 3 - қориннинг тўғри мушаклари, 4 - қорин пардаси, 5 - қорин олд девори апоневрози.



12-расм. Чурраларни "inlay" усулида бартараф этиш: 1 - тўрсимон эксплант.

71 та операциянинг 31 тасида (43,7%) "Ethicon, Johnson & Johnson" компаниясининг "ПРОЛЕНЕ" полипропилен тўрли протези ишлатилган, қолган 40 тасида (56,3%) эса "Линтекс-есфил" қўшма корхонаси (Санкт-Петербург) томонидан ишлаб чиқарилган полипропилен тўрли протез

қўлланилган. Эксплантатни маҳкамлаш учун шартли диаметри 2/0 бўлган полипропилен ип ишлатилган. Тўрсимон протез ишлаб чиқарувчи фирма тасодикий равишда танланган. Танлашнинг ягона қатъий шarti тўрсимон протезнинг материали ва тузилиши эди - яъни, полипропилендан ясалган, макроғовакли, монофиламентли эксплантат бўлиши керак эди.



13-расм. Чурраларни "Sublay" техникаси бўйича бартараф этиш: 1 - тўрсимон эксплантат, 2 - қорин тўғри мушаклари, 3 - қорин пардаси, 4 - фиксацияловчи тешиб ўтувчи чоклар, 5 - қорин олд девори апоневрози.



14-расм. Чуррани "Sublay" техникаси билан бартараф этиш: 1 - тўрсимон эксплантат, 2 - қорин тўғри мушаклари, 3 - қорин пардаси, 4 - фиксацияловчи тешиб ўтувчи чоклар

Умумий оғриқсизлантириш остида радикал жарроҳлик амалиётини бажаришдан сўнг, герниопластикадан олдин, операция вақтида қорин бўшлиғи ва чурра дарвозаси соҳасидаги тўқималар босим остида оқим билан 400-800 мл озонланган изотоник натрий хлорид эритмасига ювилди. Эритмадаги озоннинг бактерицид концентрацияси 8-10 мг/л эди. Тўр усти бўшлиғини Редон дренажи орқали ювиш 1-3 кун давомида кунига 2-3 марта 30-50 мл ҳажмда амалга оширилди.

Озон-кислород аралашмасини олиш учун Медозон МЧЖ, Москва томонидан ишлаб чиқарилган АОТ-Н-01-Арз-01/1 "Медозон БМ" озонтерапевтик қурилмасидан фойдаланилди; 2001-йил 9-февралдаги Но29/06050796/1561-01 рўйхатга олиш гувоҳномаси (15-расм).



15- расм. А-Озонотерапия аппарати Медозонс БМ (АОТ-Н-01-Арз-01/1). Б-Озон концентрацияси учун портатив генератор Oxygen Concentrator 7f-5 5L Yuwell.

Қисилган чурраларда озонотерапиянинг маҳаллий яллиғланишга қарши таъсири самарадорлиги перифокал яллиғланиш ўзгаришлари ва эндотоксемия белгиларининг йўқолиш муддатлари бўйича баҳоланди.

Асосий гуруҳ беморларида даволаниш бошланган биринчи куннинг охирига келиб тери гиперемияси ва перифокал шишнинг камайиши қайд этилди. Операциядан кейин ўртача $2,1 \pm 0,43$ кунга келиб яллиғланиш аломатлари батамом йўқолиб кетди.

Яллиғланиш жараёнининг маҳаллий намоён бўлиши, шунингдек, Редон дренажидан ажралган яра суюқлигининг кислоталилик ўзгаришлари динамикаси билан ҳам ифодаланди. Озонотерапия қўлланилганда, рН нинг ишқорий томонга силжиши яра жараёнининг яхши кечаётганидан далолат берувчи белги, 3-суткага келиб кузатила бошланди. 1-суткада рН кўрсаткичи $5,42 \pm 0,08$ бўлган бўлса, 3-суткада $6,8 \pm 0,35$ га етди. Бирорта ҳолда ҳам иккиламчи ацидоз ҳолати кузатилмади.

Қисилган чурраларни даволашда озонотерапия қўлланилганда, 57 беморда даволанишнинг биринчи кундаёқ тана ҳароратининг тез меъёрлашувига эришилди, 14 нафар беморда эса иккинчи кунда, ўртача $1,14 \pm 0,15$ кунга келиб нормаллашди. Операциядан олдинги тана ҳарорати $37,8 \pm 1,2^\circ\text{C}$ бўлган; биринчи куни $37,3 \pm 0,96^\circ\text{C}$ га, иккинчи куни $36,8 \pm 1,3^\circ\text{C}$ га, учинчи куни эса $36,5 \pm 1,4^\circ\text{C}$ га тушди.

Интоксикация белгилари қон кўрсаткичларининг ўзгаришида ҳам намоён бўлди: операциядан олдин лейкоцитлар даражаси СИ бирлигида $11,2 \pm 0,84 \times 10^9/\text{л}$ эди; операциядан кейинги 2-куни $8,2 \pm 0,9 \times 10^9/\text{л}$ га; 3-куни $7,2 \pm 0,97 \times 10^9/\text{л}$ га; 5-куни эса $7,3 \pm 1,1 \times 10^9/\text{л}$ га тушди. Кўрсаткичлар $2,25 \pm 0,35$ кунда меъёрлашди.

Озонотерапия (яраларни озонланган изотоник натрий хлорид эритмаси билан ювиш) қўлланилганда ўрта массали молекулалар миқдори тезда меъёрлашди. Иккинчи куниёқ бу кўрсаткич дастлабки қийматга нисбатан 49,4% га камайди ва ўртача $0,258 \pm 0,006$ шартли бирликни ташкил этди. Бу қисилган чурраларни даволашда озонотерапия қўлланилганда интоксикация белгилари эрта бартараф этилишини тасдиқлайди.

Кузатувнинг биринчи кунида асосий гуруҳ беморларидаги умумий оксил даражаси меъёрий кўрсаткичларга яқин эди. Даволаш жараёнида қон плазмасидаги оксил миқдорининг биров ошиши тенденцияси кузатилди, бу айниқса даволашнинг 5-кунига келиб яққол кўзга ташланди. Асосий гуруҳдаги оксил миқдори 1-суткада $64,8 \pm 0,74$ (г/л)ни; 3-суткада $59,4 \pm 1,4$ (г/л)ни; 5-суткада $64,5 \pm 1,08$ (г/л)ни; 7-суткада эса $72,4 \pm 0,65$ (г/л)ни ташкил этди.

Даволаш бошланганидан бир кун ўтгач, Редон бўйича дренаждан ажралган суюқлик миқдори кескин камайди. Ажралманинг тўлиқ тўхташи ўртача $2,61 \pm 0,15$ суткада содир бўлди.

Энг кам ифодаланган маҳаллий яллиғланишга қарши таъсир анъанавий даволаш усулини олган беморлар гуруҳида кузатилган. Бу усул қўлланилганда, перифокал яллиғланиш ўзгаришлари фақатгина $3,8 \pm 0,6$ суткадан сўнг бартараф бўлган.

Озонотерапияни қўллаш иккиламчи инфекция қўшилиши эҳтимолини анъанавий терапия билан таққослаганда 3 барабар камайтириш имконини берди. Озонотерапиянинг юқори антимикроб таъсири бактериялар тарқалишининг критик даражадан паст бўлган муддатларини таҳлил қилишда ҳам тасдиқланди.

Қисилган чурраларни даволашда озонотерапияни қўллаш нафақат яра инфекциясига қарши курашиш, балки даволаш жараёнида яранинг иккиламчи инфекцияланишининг олдини олиш имкониятини ҳам беради. Таклиф этилаётган усулнинг афзаллиги яранинг самарали тозаланиши ва озонотерапиянинг грам-мусбат ва грам-манфий микроорганизмларга ҳамда анаэроб бактерияларга таъсири билан изоҳланади.

Тўртинчи боб "Ичак тутилиши билан асоратланган қисилган чурра касаллигига чалинган беморларни жарроҳлик усули билан даволаш натижалари" деб номланган.

Операциядан кейинги эрта даврнинг кечишини қиёсий таҳлил қилиш учун қуйидаги мезонлар қўлланилди: жарроҳлик амалиётининг давомийлиги, операциядан кейинги асоратларнинг мавжудлиги ва хусусияти, беморларни даволаш муддати, вафот этганлар сони.

"Таранглашган герниопластика" ёрдамида операция қилинган беморларда чов чуррасида жарроҳлик аралашувининг ўртача давомийлиги $78,4 \pm 17,3$ дақиқани, Lichtenstein бўйича пластикада - $85,2 \pm 10,4$ дақиқани ташкил этди. Қисилган киндик чурраларида Меё ва Сапежко бўйича маҳаллий тўқималар билан пластика қилишнинг ўртача вақти $94,4 \pm 17,8$ дақиқани, қорин олд деворини реконструкция қилиш усули билан синтетик имплантатдан фойдаланган ҳолда - $96,3 \pm 24,0$ дақиқани ташкил этди. Шундай

қилиб, герниопластиканинг "таранглашмаган" усуллари қўллашда жарроҳлик аралашуви учун сарфланган вақт оралиғида фарқ мавжуд, аммо бу фарқ сезиларли эмас ($p>0,05$).

Ушбу гуруҳда "таранглашган" усуллардан фойдаланган ҳолда жарроҳлик аралашувининг ўртача вақти $112,7\pm 14,0$ дақиқани, "таранглашмаган" герниопластикада ўртача вақт $122,1\pm 28,8$ дақиқани ташкил этди.

